



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 27 апрель, № 86 (7316)

Шанба


Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ»:

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми очилиш маросимидан сўнг икки томонлама учрашувлар ўтказди.



ПЕКИН, 26 апрель. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Форум ишида 40 дан зиёд хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин анжуманини очиб, унда иштирок этаётган барча хорижий делегациялар раҳбарлари, кўп сонли эксперт ва таҳлилий доиралар вакиллари миннатдорлик билдирди.

Хитой Раиси БМТ, ШХТ, Европа Иттифоқи, Евросиё иқтисодий иттифоқи каби халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Бир макон, бир йўл» қўшма лойиҳаси иқтисодий ривожланишга кенг йўл очилгани, шу жиҳатдан у турли мамлакатларнинг миллий тараққиёт стратегиясига мос келишини таъкидлади. Лойиҳани биргаликда ҳаётга жорий этиш бутун дунёда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда муҳим роль ўйнаши қайд этилди.

2017 йилда илк бор ўтказилган «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги моделини излаш, шакллантириш ва ҳаракатлантиришга йўналтирилган лойиҳа сифатида эътироф этилмоқда.

Хитой илгари сурган мазкур ташаббус икки йўналиш — қуруқлик ва денгиз йўллари ривожлантириш ва ўзаро боғлаш орқали давлатлараро ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳозирги кунда у Осиё, Европа ва Африкадаги 65 мамлакатни қамраб олган. Келгусида унга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши натижасида глобал иқтисодий маконга айланади.

«Бир макон, бир йўл» лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири глобал эркин савдо тартибини қўллаб-қувватлаш, Осиё, Европа ва Африка мамлакатлари ўртасида интеграцияни кенгайтиришга қаратилган. Ҳисоб-китобларга кўра, бутун лойиҳанинг тахминий иқтисодий кўлами 21 триллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ давлатлар лойиҳада қатнашиш истагини билдирган, 40 дан зиёди Хитой билан ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзолаган. Натижада 2013 йилдан 2017 йилгача Хитой ва «Бир макон, бир йўл» лойиҳасига қўшилган

мамлакатлар ўртасида ташқи савдо айланмаси 4,8 триллион АҚШ доллари етди, йиллик ўсиш 4 фоиз ошди.

Хитой лойиҳа доирасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни назарда тутувчи «мослашувчан механизмлар»ни қўллаб келмоқда. Хитойнинг транзит-логистика соҳасига оид лойиҳалари Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон бозорига чиқиши, бошқа давлатлар билан саноат кооперациясини мустаҳкамлашга кенг йўл очмоқда.

Ўзбекистон биринчилар қаторида «Бир макон, бир йўл» ташаббусини қўллаб-қувватлади ва унинг аъзо-таъсисчиларидан бирига айланди. Мамлакатимиз учун денгиз портларига чиқиш жуда муҳим. Шу боис Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка бозорларига чиқиш имконини берувчи халқаро транспорт йўлакларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, 2016 йилда Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли барпо этилди. Мазкур линия Хитойгача бўлган масофани 270 километр қисқартириш имконини берди. Бундан ташқари, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимиз учун улкан иқтисодий имкониятлар очади. Натижада мамлакатимиздан Хитой ва Ўрта Шарққа тўғридан-тўғри чиқиш имконияти юзага келади, юк ташини вақти 5-6 суткага қисқаради. Янги автомобиль йўллари, жумладан, Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар қатновини очиб минтақа давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириб, уларнинг иқтисодий тараққиётига қўшимча суръат бағишлайди.

2018 йилда Ўзбекистон ташқи савдо юқларини Хитойдан ва Хитойга темир йўл транспорти орқали ташишда 2017 йилдагига нисбатан 18,2 фоиз ўсиш кузатилди. Импорт юқларини ташишда 25,8 фоиз ўсишга эришилди.

Анжуманининг очилишида халқаро савдо ва инвестиция алоқаларини мустаҳкамлаш, мамлакатларнинг иқтисодий бошқарув тажрибаларини такомиллаштириш, янги транспорт ва логистика йўлакларни яратилишини рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар хусусида

сўз юритилди. Ушбу лойиҳада иштирок этаётган мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани дунё миқёсида барқарор ривожланишга интилиш кучаяётганини ифода этиши таъкидланди.

Халқаро форумнинг биринчи кунини Халқ вакиллари кенгаши уйида тадбир иштирокчилари шарафига ташкил этилган гала-концерт билан якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунини Пекинда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси Ли Чжаньшу билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари «Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форумининг ўтказилиши ҳамда унинг доирасида ХХР Раиси Си Цзиньпин илгари сурган ташаббусларнинг амалга оширилиши халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга, кенг минтақамизда дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро аниқлашув муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Хитой Халқ Республикаси Раиси билан учрашувда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг янги истиқболлари белгилаб олингани, улар икки давлат ўртасидаги хар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ли Чжаньшу Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларда юксак даражага эришганини мамнуният билан қайд этди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа қўллаб-қувватлаш алоқалари янада фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасида ҳамкорлик борасида ижобий тажриба тўпланган. Парламент делегацияларининг учрашувлари мунтазам ўтказилиб, бу борадаги шериклик изчил ривожланмоқда.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди. Бундан ташқари, парламентлараро мулоқот мамлакатларимиз ҳамкорлигини амалий мазмун билан бойитиш, янги дастур ва лойиҳаларни илгари суршига хизмат қилиши қайд этилди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси Ўзбекистон билан Хитой ўртасида эришилган келишувларни амалга

ошириш ва кенг қўллаш шериклигини янада ривожлантиришга амалий хисса қўшишга тайёрлигини билдирди.

Ли Чжаньшу Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, уларнинг реал натижаларини ва самарадорлигини юксак баҳолади. Унинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўз сиёсати ва ислохотлари миқёси ва мақсадлари нуктаи назаридан тўла асос билан Хитойнинг буюк ислохотчиси Дэн Сяопинь билан таққослаш мумкин.

Учрашув якунида парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш ҳамда самарали ислохот ва янгиланишларни амалга ошириш борасидаги тажрибани чуқур ўрганиш мақсадида қўшма тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Президентимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Бош котибни самимий кутлаб, Самарқанд ва Нью-Йорк шаҳарларида ўтган мазмунли суҳбатларни мамнуният билан эслашини, ушбу мулоқотлар Ўзбекистон билан БМТ институтлари ва ташкилотлари ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Самарқанддаги Марказий Осиё бўйича ва Тошкентдаги Афғонистон бўйича халқаро конференцияларни, Самарқанд шаҳрида ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумини ва бошқа тадбирларни шахсан қўллаб-қувватлагани учун Антониу Гутерришга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Бош котибнинг БМТни ислохот қилиш, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни, изчил тараққиётни таъминлаш йўлидаги ташаббуслари ва савий-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини қайд этди. Ушбу ислохотлар Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган қатъий ислохотларни фаол давом эттиришга хизмат қилишини таъкидлади.

БМТ Бош котиби Президентимиз билан яна бир бор учрашиб турганидан мамнун эканини таъкидлаб, Ўзбекистон ташаббуслари халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, маънавият, таълим, экология, туризм каби соҳаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ишонч ва яхши қўшничилик муноса-

батларини мустаҳкамлаш, минтақадаги барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қатъий интилоқда. Энг муаммоли масалаларнинг ечими топилди, барча қўшнилар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Кейинги икки йилда минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2 баробар ортди.

БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё бўйича тарихий аҳамиятга эга резолюцияси ҳамда Маърифат ва диний бағрикенглик бўйича резолюцияси қабул қилинганни Ўзбекистоннинг бу борадаги савий-ҳаракатларининг халқаро эътирофи бўлди. Мамлакатимиз Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича муҳим ташаббусни ҳам илгари сурган.

БМТ Бош котибининг кўмаги туфайли БМТ шафелигида Оролбўйи учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолият бошлади. Оролбўйида умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Антониу Гутерриш Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Оролбўйида аҳоли турмуши сифати ва даражасини ошириш, замонавий уй-жой, ижтимоий инфратузилма ва саноат объектларини қуриш, умуман, Орол фожиасининг салбий оқибатларини юмшатиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. Оролнинг қуриган тубидаги 500 минг гектардан ортиқ майдонда химоя ўрмонзорлари барпо этилмоқда, 1,1 миллион гектар майдонда кум тутиш тизими яратилди.

Учрашувда жорий йил октябрь ойида Нукусда бўлиб ўтаётган Оролбўйида экологик инновация ва технологияларни ривожлантириш бўйича халқаро конференция якунида Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясига ушбу ҳудудни «Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди» сифатида эълон қилишга доир махсус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиқиши режалаштирилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, 2020 йилда Тошкент шаҳрида Озон қатламинини емирувчи моддалар бўйича Монреаль протоколини амалга ошириш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказилиши қайд этилди.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш

минтақамизда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омил экани таъкидланди. Ўзбекистон Афғонистонни минтақавий иқтисодий ҳамкорликка фаол жалб этмоқда, ушбу мамлакат учун савдо, инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни илгари сурмоқда.

Антониу Гутерриш Ўзбекистон билан кенг қўллаш ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун зарур барча кўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси янги босқичга кўтарилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари барча соҳада, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция, технологиялар, энергетика, маданий-гуманитар йўналишларда фаол ривожланмоқда.

Дипломатик ваколатхонамизнинг уч қаватли янги биноси фарғоналик усталар иштирокида миллий бунёдкорлик аъёнлари ва замонавий меъморчилик ютуқлари асосида бунёд этилган. Иморат Пекин шаҳри марказидаги Чаоянг ишбилармонлик мавзесида, АҚШ, Япония, Малайзия, Сингапур каби давлатлар элчихоналари билан ёнма-ён жойлашган.

Биринчи қаватда музокаралар, ишбилармонлик ва маданият тадбирларини ўтказишга мўлжалланган «Самарқанд», «Бухоро», «Хива», «Қўқон» заллари жойлашган. Дарвозадан қираверишдаги айвон халқини аъёнлари ва бой маданиятини акс эттирган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан танишар экан, мазкур даргоҳ миллий услубда безатилганидан мамнуллигини билдирди ҳамда у Хитой ва хитой халқининг мамлакатимиз билан ҳамкорликка юксак эътибори намунаси эканини таъкидлади.

Ушбу бино халқларимизни янада яқинлаштирадиган, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтирадиган, маданиятлараро алоқаларни бойитадиган марказ бўлади. Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги гоя ва ташаббусларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Президентимизнинг Хитой Халқ Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

«Ўзбекистон «Бир макон, бир йўл» тақдим этаётган имкониятлардан самарали фойдаланмоқда»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун Хитойга амалий таширифи чоғида ўтказган учрашувлари ва эришилган келишувлар чет эл оммавий ахборот воситаларида катта акс садо берди.



Хусусан, Хитойнинг марказий «Жэньминь Жибао» газетасида Ўзбекистон ва ХХР раҳбарларининг учрашувидан репортаж чоп этилди. Мақолада сўнги йилларда икки томонлама алоқалар сифат жиҳатидан мураккаб янги босқичга кўтарилиб, сиёсат, иқтисодиёт, савдо, санаят, молия, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланаётгани кайд этилган. Айниқса, Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири бўлгани ҳолда, ўзaro товар айирбошлаш ҳажми 6 миллиард АҚШ долларидан ошгани ва ушбу кўрсаткич йил якунига қадар 10 миллиард долларга етиши кутулаётгани маълум қилинган.

Хитой раҳбарияти, журналистларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президентини «Бир макон, бир йўл» халқаро форумининг асосчиларидан бири сифатида қабул қилди. Расмий Пекин Ўзбекистоннинг ушбу лойиҳадаги иштироки ва ташаббуслари ҳар икки томон учун ва минтақавий микёсда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди.

Ўз навбатида, «Синьхуа» ахборот агентлиги мухбирлари «Ўзбекистоннинг форумда олий даражада иштирок этиши расмий Тошкентнинг ушбу ташаббусга ва Хитой билан ҳамкорликка алоҳида эътиборидан далolat беради», деб ёзади. Буюк Ипак йўлининг «чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон расмий Пекин учун нийҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, «Бир макон, бир йўл» ташаббусини ҳаётга татбиқ этишда алоҳида ўрин тутаяди. Сўнги йилларда



мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича Ўзбекистон ва бошқа шерикларнинг амалий ёрдамида қатор муваффақиятларга эришилди.

ДУНЁ НИГОҲИ



Беларуснинг «ОНТ» телеканалда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко ўртасидаги учра-

шув тўғрисида махсус кўрсатув тайёрланди. «Замонавий босқичда, икки томонлама алоқалар дўстлик ва шериклик руҳида ривожланмоқда, — дейди журналистлар. — Беларус Президентининг Ўзбекистонга ўтган йилги расмий ташрифи ҳамкорликни сифат жиҳатидан янада юқори даражага олиб чиқди. Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот мустақамланди, турли соҳалардаги амалий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Машинасозлик, фармацевтика, энгил ва

озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, туризм каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ишбилармон доиралар ва етакчи корхоналар ўртасида алоқалар кенгайяпти. Шу билан бирга, товар айирбошлаш ҳажми томонларнинг салоҳияти ва интилишларига мос эмас. Беларус томони Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкиллаштириш ва замонавий технологияларни ўзлаштириш бўйича кечаётган жараёнларда фаол иштирок этишга тайёрдир».



«Тошкент Пекиннинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президентини «Бир макон, бир йўл» халқаро форумининг асосчиларидан бири сифатида қабул қилди. Расмий Пекин Ўзбекистоннинг ушбу лойиҳадаги иштироки ва ташаббуслари ҳар икки томон учун ва минтақавий микёсда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди.

да олиб борилаётган ислохотлар ва республиканинг янгиланган минтақавий сиёсатини олқишлайди. Ҳар икки томон савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Жумладан, Хитой Ўзбекистондан юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишга тайёрлигини билдираётди. Энергетика, транспорт соҳаларида қатор қўшма лойиҳалар рўйбга чиқарилиши кутулламоқда. Маданий-гуманитар соҳада эса Ўзбекистонда Хитой маданияти марказини ташкил этиш тақлифи билдирилди».

Хиндистоннинг «Times of Central Asia» журналида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагард билан учрашуви ҳақида хикоя қилинар экан, сўнги йилларда ушбу тузилма билан ҳамкорлик жадал ва тизимли тус олгани таъкидланади. Халқаро валюта жамғармаси комплекс иқтисодий ва таркибий янгиланишларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистонга зарур барча ёрдамни кўрсатишга тайёр. Айниқса, республикада валюта



соҳасининг либераллашуви, солиқ бошқарувининг такомиллаштирилиши ҳамда давлат статистикаси тизимининг ислоҳ қилиниши халқаро институт томонидан ижобий баҳоланди.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Фракцияларда Давлат дастурининг биринчи чоракдаги ижроси кўриб чиқилди



Натижадорликка эътибор қаратилди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари, авваламбор, Давлат дастурида ишлаб чиқилиши белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг парламентга ўз вақтида киритилиши ҳамда мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ижроси ҳолатига, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ этиш бўйича бажарилган ишлар, дастур ижроси натижадорлигини оширишга қаратилган тақлифларга жиддий аҳамият берди.

Шунингдек, транспорт соҳасини тизимли ислоҳ этиш бўйича рўйбга чиқарилган саяёҳатларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, ҳисобот даврида автомобиль транспорти соҳасида йўловчилар ташиш учун 330 та замонавий автобус олиб келиниб, хизмат кўрсатишга киришилган. Темир йўл соҳасида республика ҳудудида ва қўшни давлатларга темир йўл қатнови сонини ошириш мақсадида Термиз — Москва ва Андижон — Уфа йўналишларида янги йўловчи поездеи рейслари йўлга қўйилган. Ҳаво транспорти соҳасида бу даврда 3 та замонавий самолёт олиб келинган. Муҳокамаларда Давлат дастурини самарали амалга оширишда божхона, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан имтиёзларни тақдим қилишга бўлган амалдаги ёндашуви қайта кўриб чиқиш зарурлиги кайд этилди. Ҳисобот даврида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан мурожаатлар билан ишлашда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилиши натижада 825 нафар мансабдор шахсининг жавобгарлик масаласи кўриб чиқилган. Мазкур соҳадаги ишларни тизимли йўлга қўйишда мансабдорларнинг ижро интизом масаласида маъсулиятини янада ошириши лозимлиги таъкидланди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чоракда бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ҳукуматнинг ҳисоботи қониқарлими?

Давлат дастуридаги вазифалар белгиланган мuddатларда сифатли бажарилмоқдами? Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилишида ушбу саволга жавоб изланди. Ҳисоботда келтирилган рақамлар таҳлил этилди. Муҳокамалар жараёнида таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризмни янада ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирларнинг ижро этилиши ҳолатига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб 45 та мамлакат фуқаролари учун 30 кун мuddатга визасиз режим жорий қилинган, яна 76 та давлат фуқаролари-

зейнинг каталогини яратиш назарда тутилгани, аммо ҳозирги кунгача ушбу вазифа ижроси охирига етказилмагани кайд этилди. Мазкур вазифа ижросини таъминлашнинг молиявий манбаларини аниқлаб, алоҳида қўшимча маълумот бериш сўралди. Шунингдек, ижроси жорий йилнинг 15 феврალი эътиб белгиланган бандда санитария-эпидемиология хизматини янада такомиллаштириш, яъни ДСЭНМларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш масаласи бажарилмагани танқид қилинди ва зарурий чоралар кўриш лозимлиги кайд этилди.

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш борасида тақлифлар берилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш таъминлаш борасидаги тадбирларнинг молиялаштирилиши диққат марказида бўлди. Таъкидланганидек, ижтимоий инфратузилма объектларини молиялаштириш бўйича жорий йилнинг биринчи чоракда умумий қиймати 341,2 млн. доллар бўлган 32 та ишлаб чиқариш ва ижтимоий тузилма объекти ишга туширилиб, 1806 та иш ўрни яратилган. Мунозараларда қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Жумладан, жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларида 15010 та, шаҳарларда 15635 та хонадонни 355 та арзон кўп қаватли уй қуриш ишлари жадал олиб берилмоқда. Шунингдек, депутатлар томонидан дастурда белгиланган ва-

Аксарият вазирликларнинг сайтлари мавжуд эмас

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат дастуридаги ижроси таъминланмаган бандларни муҳокама этдилар. Хусусан, таълим муассасаларини аккредитациялаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳужжат лойиҳалари ўз мuddатида лозим даражада ишлаб чиқилмагани кайд этилди. Бундан ташқари, аҳоли, айниқса, ёшларни Давлат дастури ва унинг ижроси билан интeрнет тармоқлари орқали таништириш бўйича қўри-лаётган чора-тадбирлар етарли эмаслиги мунозараларга сабаб бўлди. Бунда асосий эътибор аксарият маъсул вазирликлар, идоралар ва вилоят ҳокимликларининг интeрнет саҳифалари мавжуд эмаслиги, мавжудларида эса Давлат дастури ижросига оид таҳлилий ва оммабоп маълумотлар етарли даражада жойлаштирилмаётгани ҳамда ўз вақтида янгилаб борилмаётганига қаратилди. Шу билан бирга, Давлат дастурига бағишланган махсус сайт ҳам ишламаётгани таъкидланди. Йиғилишда тиббий хизмат-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 26 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи йилги мажлисини жорий йилнинг 3 май куни Тошкент шаҳрида қақриш тўғрисида қарор қабул қилди. Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизнинг бугунги ривожланиш йўлида қўйилган мақсадларга эришишга, фуқаролик жамияти асосларини янада мустақамлаш ва демократик ислохотлар самардорлигини таъминлашга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари киритилган.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги, «Яйловлар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Иқтисодий-процессуал кодекс ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқадди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Раёно Убайдуллаеванинг берган маълумотларига кўра, 2019 йил мартда ўтказилган ижтимоий сўровномада иштирок этган респондентларнинг 58 фоизи мамлакатимизда иш олиб бораётган нодавлат тузилмаларнинг фаолиятини ижобий баҳолаган. 2018 йилда бу кўрсаткич 54,6 фоизни ташкил қилган эди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати»

«Кўнгилли бўлишга тайёрмисиз?»

Сўровда қатнашганларнинг 66 фоизи бу саволга ижобий жавоб берди.

«Сиз бу соҳада ўзингизни сиёсат кўнгили бўлармидингиз?» деган саволга эса иштирокчиларнинг 22 фоизи розилик билдирган. Эътиборлиси, қатнашчиларнинг 66 фоизи фуқаролик жамияти институтларида кўнгили сифатида иш олиб боришга тайёр эканини билдиришган.

Бу рақамлар экспертлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг навбатдаги мажлисида эълон қилинди. Кенгаш аъзолари томонидан мазкур сўровнома натижаларининг илиқ кўтиб олинишига бир неча сабаблар бор. Аввало, соҳада кадрлар етишмовчилиги муаммоси мавжуд. Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида кўнгили бўлиб ишлаш билан боғлиқ муносабатлар ҳам қонуний тартибга солинмаган. Демак, мамлакатимиз аҳолисини «учинчи сектор», фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг самарали фаолияти билан боғлиқ қарашлар, фикрлар шаклланди. Эндики муҳим вазифа — давлат ва нодавлат тузилмаларининг мамлакат тараққиёти йўлидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда соҳанинг миллий қонунчилик базасини мустақамлашдан иборат.

— Бугунги йиғилиш доирасида аъзоларимиз томонидан «Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича «йўл харитаси» муҳокама қилинди, — дейди комиссия аъзоси, «Оқсалиш» умумийлиги ҳаракати нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбари Акмал Бурхонов. — Мазкур дастурда бу борада олиб борилаётган чора-тадбирларимиз умумийлаштирилди, давлат ва нодавлат секторининг ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун зарур ҳаракатлар белгиланди. Шунингдек, мажлисда ҳудудларда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг жойларда жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги билимларини янада бойитиш хусусида сўз юритилди. Бунинг учун соҳанинг малакали экспертларини жалб қилган ҳолда, илмий методологик семинарлар ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Давлат ташкилотларида фаолият олиб бораётган жамоатчилик кенгашларининг фаолиятини жонлантириш ҳам мутахассислар эътиборидаги масала бўлди. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида малакали мутахассисларни тайёрлаш юзасидан ҳам зарур амалий ишлар белгиланди. Тадбирда кўриб чиқилган масалалар юзасидан кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Фурур ва ифтихор ифодаси

Мамлакатимизда «Шараф ленталари»ни тарқатиш акцияси ўтказилмоқда.



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда санъат ҳамда маданият соҳаларининг таниқли намояндлари, ёзувчи ва шoirлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари, ёшлар қатнашмоқда. Мазкур акция пойтахтимиздаги Сайилгоҳ кўчасида ҳам бўлиб ўтди. Ҳарбий оркестр садолари барчани бир даврага жаллади. Кўча бўйлаб сайрга чиққан юртдошларимиз, хорижлик сайёҳлар кўксига Ўзбекистон байроғи тасвири тўширилган, Ватан ҳимоячиларининг шарафли қаҳрамонликларини ўзида ифодалаган ленталар тақиб кўйилди. — Бундай тадбирлар Иккинчи жаҳон урушида қатнашган аждодларимизнинг жасорати, ёрқин хотираси унутилмас

эканини яна бир бор ёдга солади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. — Шу билан бирга, уруш қатнашчилари ва меҳнат фaҳрийларига ҳурматимизни янада кучайтиради. Бу ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, жасорат, мардлик туйғуларини янада ошириши билан ҳам аҳамиятлидир. «Шараф ленталари»ни тарқатиш акцияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг гавжум жойларида, савдо мажмуалари, боғу хиёбонлар, Хотира майдонлари, жамоат транспортларида ўтказилмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Рустам НАЗАРМАТОВ олган сурат.

Боксчиларимиз қитъада тенгсиз



Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Қувонарлиси, мазкур қитъа биринчилигини йигитларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринда якунлашди. Финалга Ўзбекистон терма жамоасидан беш нафар боксчи чиқди ва уларнинг тўрт нафари чемпионликка эришди.

Дастлаб -49 килограмм вазн тоифасида Нодирбек Мирзахмедов рингга кўтарилди. Хиндистонлик Дипакка қарши баҳс олиб борган ҳамюртимиз очколар бўйича ғалаба қозониб, терма жамоамизга илк олтин медални тақдим этди. Шундан сўнг -56 килограмм вазн тоифасида Осиё ўйинлари ғолиби Миразиз Мирзахалилов ҳам қитъа чемпионлиги учун хиндистонлик бошқа бир боксчи Кавиндер Сингх билан беллашди. Муросасиз кечган баҳсда спортчимиз муваффақият қозонди ва терма жамоамиз иккинчи олтин медални расмийлаштирди. Яна бир вакилимиз Бобо-Усмон Батуров -69 килограмм вазн тоифасида финал жангини япониялик Севонретс Оказавага қарши ўтказди. Яққол устунлик қилган ҳамюртимиз ютуқлари қаторига қитъа чемпионлигини ҳам қўшиб қўйди.



-91 килограмм вазнда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Санжар Турсунов Жанубий кореялик Хёнг Кю Кимга қарши рингга кўтарилиб, рақибига очколар ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди ва қумуш медал билан кифояланди. Бокс ишқибозлари томонидан марказий учрашув дея баҳоланган +91 килограмм вазн тоифасидаги баҳс ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов ва қозғистонлик Қамшибек Қўнқабоев ўртасида кечди. Қизикarli жангда Баҳодир рақибини мағлуб этиб, икки карра Осиё чемпиони, деган макомга эга бўлди. Айтиш жоизки, бундан икки йил аввал Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатини ҳам терма жамоамиз биринчи ўринда якунлаган эди. Бу сафар ҳам боксчиларимиз қитъада тенгсиз эканликларини яна бир бор исботлашди.

Мусобақада совриндор бўлган спортчиларимиз билан танишинг:

Олтин медал эгалари:
Нодирбек Мирзахмедов (-49 кг.)
Миразиз Мирзахалилов (-56 кг.)
Бобо-Усмон Батуров (-69 кг.)
Баҳодир Жалолов (+91 кг.)

Қумуш медал эгаси:
Санжар Турсунов (-91 кг.)

Бронза медал эгалари:
Шукржон Раҳимов (-60 кг.)
Шаҳноза Юнусова (-69 кг.)
Ёдгорой Мирзаева (-57 кг.)
Мафтуна Мелиева (-64 кг.)

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Фахр

Музаффар спортчилар тантанали кутиб олинди

21 — 24 апрель кунлари Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган XXIII Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кеча Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилганлар қаторида Мудофаа вазирлиги спорт клуби аъзоси Руслан Курбонов ҳам бор. У мазкур чемпионатда уч хатлаб сакраш бўйича 16,93 метр натижа кайд этиб, рақиблари орасида тенгсиз эканини исботлади. Лейтенант Надия Дусанова баландликка сакраш бўйича 1,90 метрлик кўрсаткич билан мутлақ ғолибликни кўлга киритди. Боскон улоқтириш баҳсларида эса Суҳроб Хужаев 72,85 метр натижа билан 3-ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, Екатерина Воронина етти кураш беллашувларида олтин, Светлана Раҳзивилов баландликка сакрашда бронза медал соҳиби бўлди.

Тимур НАРЗИЕВ.

ХАЛҚ BANKI

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банклариининг доимий эътиборидаги масалалардан бири ҳисобланади. Зотан, ушбу соҳа нафақат иқтисодийтимиз равнақини белгилаш, балки аҳоли ҳаёт тарзини яхшилаш, оилалар даромадини ошириш, кўшимча иш ўринлари яратиш манбаидир. Кайд этиш жоизки, акциядорлик тижорат Халқ банки бу борада катта имкониятга эга ва мазкур жараёнда фаол иштирок этаётган молия муассасаларидан биридир.

Молия муассасаларида

Пенсионерлар нафақаси ҳисобидан кредит олиши мумкин

Чунки айни пайтда республикаимиз бўйлаб унинг 197 та филиали мавжудлиги тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш тезлигини ошириб, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришда кўл келмоқда. Бунда, табиийки, «Хар бир оила — тадбиркор» ва «Ёшлар — келажгимиз» каби дастурлар айни муддао бўляпти. Банк томонидан ўтган йили «Хар бир оила — тадбиркор» дастури асосида жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорларга 297,1 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 14 868 та иш ўрни яратилди. Ушбу йўналишдаги сайё-ҳаракатлар изчиллик касб этаётгани янада эътиборли. Яъни жорий йилнинг ўтган даврида 273 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, мазкур маблағлар ҳисобидан 14 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

иқтисодийнинг турли тармоқларига йўналтирилаётгани ҳақида алоҳида таълиқ бўлиб ўтиш жоиз. Негаки, бу борада қўллаётган ишлар ҳам салмоқли. Хусусан, йил бошидан буён 2 143 нафар хунармандага 73,5 миллиард сўм,

рақамга эркин тасарруф этиш имконини тақдим қилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 13 мартдаги «Пенсионерлар ва нафақалар тўлаш механизмни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ишлаб чиқилган тизим асосида эндиликда пенсионерлар банкнинг «Овердрафт» карталари орқали олдидан маблағ олишлари мумкин. Бундай карталар пенсионернинг хоҳишига кўра, бепул ва беш йил муддатга очиб берилади.

Хўш, бу карта нима учун керак? Масалан, сиз пенсионерсиз ва нафақа олишингизга хали вақт бор. Лекин пул зарур. Уни коммунал тўловлари учун тўламоқчисиз ёки узоқ сафарда, ўқишда бўлган яқинингизга жўнатмоқчисиз. Худди шу ҳолатда сизга мазкур карта кўл келади. Яъни ушбу карта эгасига банк томонидан пенсия маблағлари ўтказилишига қадар ойлик нафақанинг 50 фоизигача бўлган қисми тақдим этилади. Бунинг учун сиз хар ойда 1,33 фоиз устама тўлайсиз. Агар «Овердрафт» маблағини сарфламангиз, умуман фоиз тўламайсиз. Ишлатилган тақдирда эса фақат ўша қисм учун тўлов амалга оширилади, холос.

Қолаверса, мазкур карта соҳиблари Халқ банкининг касса ва банкоматларидан нақд пул ечганда, ҳеч қандай хизмат ҳақи олиб қолинмайди. Шу билан бирга, худудларда ташкил этилган 100 дан ортиқ «Электрон офис»лар ҳам аҳолининг банк хизматларига бўлган талаби қондирилишида айни муддао бўлмоқда.

Сарвар ОЧИЛОВ,
банк ахборот хизмати раҳбари.

Хизматлар лицензияланган.

Айни пайтда Халқ банкининг республикаимиз бўйлаб 197 та филиали мавжудлиги тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш тезлигини ошириб, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришда кўл келмоқда.

фермер, томорқа ер эгаларига 60 миллиард сўм, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш учун 22,6 миллиард сўм ажратилди. Бундан ташқари, Халқ банки юртимизда фаол тадбиркорларга бизнес юриштишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Халқаро тараққиёт уюшмаси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси каби халқаро молия институтлари маблағларидан ҳам унумли фойдаланмоқда. Жумладан, 10 та хорижий молия институтининг 156,6 миллион АҚШ долларилек кредит линияларидан

Реклама ўрнида

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

<p>«Инсон манфаати»</p> <p>Омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача.</p> <p>Фоиз ставкаси — йиллик 20%.</p>	<p>«Келажак бунёдкори»</p> <p>Омонат муддати — 25 ойдан 36 ойгача.</p> <p>Фоиз ставкаси — йиллик 21%.</p>
---	--

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Телефонлар: 78-150-93-39, 78-150-72-58.

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 28 апрель, яқшиба куни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — М. Аҳмадҷонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза яқуни — 23.05 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6